

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА НАРГИЗАХОН ЭРГАШБАЕВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА ОТЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Юлдашева Наргизахон Эргашбаевна Инглиз ва ўзбек тилларида кўшма отларнинг функционал-прагматик тадқиқи	3
Юлдашева Наргизахон Эргашбаевна Функционально-прагматическое исследование сложных имён существительных в английском и узбекском языках	27
Yuldasheva Nargizahon Ergashbayevna Functional and Pragmatic Study of Compound Nouns in the English and Uzbek languages	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА НАРГИЗАХОН ЭРГАШБАЕВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА ОТЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маълумоти
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.2.PhD/Fil.903 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
сайдасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net)да
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирискулов Мираббос Туреунович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий ошновчилар:

Рахимов Ғанишер Худойкулович
филология фанлари доктори, профессор
(Кенгаш аъзоси)

Иброҳимхўжаев Исмоилхўжа
Иброҳимхўжаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги
DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» август
соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик
ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail:
uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент
шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс:
(99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «5» август да ташкил этилди. (2021 йил «5»
август даги 17 рақамли реестр баённомаси)



П.Х.Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор

У.Б.Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, фил.ф.д., доцент

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, фил.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўз яшаш усуллари, кўшма отнинг тадқиқот парадигмасида лингвистик бирликларнинг алоқалари ва лингвистик парадигмаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишга бўлган эҳтиёж янада ошмоқда. Бунда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг дунёдаги табиий тилларни ривожланиш жараёни билан бевосита боғлиқликда олиб борилиши алоҳида эътиборга моликдир. Шу сабабли «кўшма от» структурасини семантик моҳияти, кўшма отларнинг сўз бирикмасидан фарқли жиҳатларини таҳлилга тортиш ва ўрганиш амалий аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида кўшма отлар тилларнинг мунтазам бойиб боришига хизмат қилаётган муҳим омиллардан бири саналади. Чунки табиий тилларнинг лексик, семантик, синтактик, морфологик, фразеологик, лингвомаданий, лингвопрагматик каби жиҳатлари бир-биридан турли даражада фарқ қилиши сабабли муайян лексик-семантик парадигманинг бир нечта тиллар таркибида ўзаро қиёслаб ёки чоғиштириб ўрганиш унинг ўзига хос хусусиятларини кенг очиб беради. Шу жиҳатдан, тилшуносликда кўшма отларнинг қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари тизимида қиёсий-функционал тадқиқини замонавий тамойилларга таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўшма отларининг қиёсий-функционал хусусиятларини тилшуносликнинг сўнгги ютуқлари ва амалдаги илғор усулларида фойдаланган ҳолда илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Республикамизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви чет тилларини ўрганишга бўлган эътиборнинг ошиши, олиб борилаётган тадқиқотларда чет тилларини ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш, тилимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш, унинг лисоний имкониятларини тўлақонли очиб бериш каби муҳим вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, «Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш»¹га алоҳида эътибор қаратилиши хорижий тилларга доир тадқиқотларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштиришни тақазо этади. Бунда инглиз ва ўзбек тилларидаги кўшма отларнинг лексик, семантик, лингвомаданий хусусиятларини ўрганган ҳолда уларни матн таркибидаги лингвопрагматик хусусиятларини ўзаро боғлаб тадқиқ қилиш ҳамда олинган натижаларни чет тилини ўқитиш методикасига татбиқ этиш хорижий тилни мукаммал ўзлаштиришга замин яратиши билан аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектордаги нутқи

ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида», 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилларни қиёсий ўрганиш жараёнида умумий қонуниятлар ва характерли хусусиятлар Д.Б. Буранов, Г.Х. Бакиева, М.Д. Джусупов, М.Т. Ирискулов, Д.У. Ашурова, М.Э. Умарходжаев, У.К. Юсупов, Ж.А. Якубов, Ш. Сафаров ва бошқа қатор олимлар томонидан аниқлаш мезони ва тамойилларига асосланиб очиб берилган².

Тилшуносликда қўшма отларнинг структурал турлари, семантик хусусиятлари масалалари Г. Марчанд, Ж.Л. Мей, С. Хенсон, Л. Бауэр, И.В. Арнольд, А.И. Смирницкий, О.Д. Мешков, П.В. Царев, И.П. Иванова, В.Н. Немченко, Н.М. Шанский, М.А. Столбовская каби таниқли олимларнинг тадқиқотларида илмий асосланган³.

² Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М., 1983. – 367 с.; Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. – Москва: МГЛУ, 2012. – 120 с.; Джусупов М.Д. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Тошкент: Фан, 1991. – 240 с.; Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.92.; Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка/Ўзбекистонда хорижий тиллар/Илмий методик электрон журнал. – Т., 2018. – №2 (21). – С. 104-110; Умарходжаев М.И. Основы фразеогрaфии. – Ташкент: Фан, 1983. – 133 с.; Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: ФАН, 1980. – 135 с.; Якубов Ж.А. Модальный категориясининг мантик ва тилда ифодаланиш хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2006. – 307 б; Ш Сафаров. Прагмалингвистика (Pragmalinguistics). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.

³Marchand H. The Categories and Types of Presentday English Word-Formation. Munchen, 1969. – P. 427.; Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – P. 148; Hanson C. Problems in the Semantic Analysis of Compounds // Lexical meaning. – Berlin: Humboldt University, 1978, – P. 32-42.; Bauer L. *The Grammar of Nominal Compounding with Special Reference to Danish, English and French.* Odense University Studies in Linguistics. Odense: Odense University Press, 1978. – 250p; Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка: учеб. пособие. Изд-е 2-е, перераб. М.: Флинта; Наука, 2012. – С. 376; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: Московский Государственный Университет, 1998. – С. 260; Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. – М.: Наука, 1976. – С. 245; Царев П.В. Сложные слова в английском языке. – М.: Изд. МГУ. – 1980. С. 126; Иванова И.П. Структура английского имени существительного. – М.: Высшая школа, 1975. – С. 168; Немченко В.Н. Современный русский язык. Словообразование. – М.: Высшая школа, 1984. – С. 255; Шанский Н.М и др. Современный русский язык. Словообразование. II – часть. – М.: Просвещение, 1981. – С. 270; Столбовская М.А. Структурно-семантическая классификация сложных существительных авиационного английского языка. Филологические науки. вопросы теории и практики. Тамбов. 2018. № 4. – С. 395-399.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалишига оид тадқиқотлар А. Ҳожиёв, Н. Маматов, Ш. Раҳматуллаёв У. Турсунов, Ж. Мухторов, Т. Мирзақулов каби тилшунос олимлар ишларида чуқур таҳлилга тортилган⁴.

Ўзбек тилшунослигида И.М. Тўхтасинов, А.Г. Юлдашев, М.Н. Азимова, Б.Ф. Холмухамедов ва бошқалар кўшма отларнинг лингвокогнитив аспекти бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган⁵.

Тилшуносликда сўз ясалиши, кўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти бўйича тадқиқотлар ва маълум ишланмаларнинг мавжудлигига қарамасдан инглиз ва ўзбек тилларида кўшма отларнинг функционал-прагматик тадқиқи масаласи тадқиқот объекти сифатида таҳлилга тортилмаган, комплекс тарзда кўриб чиқилмаган ва илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-245/11 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги икки, уч ёки ундан ортиқ ўзаклардан ташкил топган кўшма отларнинг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятларини тиллараро чоғиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги замон тилшунослигида чоғиштирилаётган тиллардаги кўшма отлар лингвистик мавқеининг назарий асосларини ўрганиш;

изоҳли ва таржима луғатлари ҳамда бадиий адабиётларда ишлатилган инглиз ва ўзбек тилларидаги кўшма отлар моделларини ишлаб чиқиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги кўшма отларда изоморфик, алломорфик хусусиятлари ва уларнинг синтактик ва семантик белгиларини очиб бериш;

чоғиштирилаётган тиллардаги турли контекстларда ишлатилган кўшма отларнинг структурал-семантик жиҳатларини ёритиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларида кўшма отларнинг матн таркибидаги функционал-прагматик хусусиятларини тадқиқ қилиш.

⁴Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – 145 б.; Ҳожиёв А. Сўз яшаш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – №4. – Б.43- 48.; Ҳожиёв А. Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. –№3. – Б. 29-32.; Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 80 б.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент, 1989. – 111 б.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.; Маматов Н. Ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Т.: Фан, 1982. – Б. 233; Раҳматуллаёв Ш. Нутқимиз кўрки. – Т.: Фан, 1970. – Б. 57; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаёв Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 400 б.; Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол.фан.д-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 1994. – 42 б.

⁵Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте. (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2011. – 30 с.; Юлдашев А.Г. Идиоматик кўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Т., 2017. – 46 с.; Азимова М.Н.Структурно-семантические особенности сложных существительных в современном английском и таджикском языках. Вестник таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. серия гуманитарных наук. № 1. 2012. – С. 166-179; Б.Ф. Холмухамедов. Ўзбек тилида лексемалашув. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд., 2020. – 48 с.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма отлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг фонетик, грамматик, лексик, прагматик хусусиятлари, шунингдек, компонентлари орасидаги изоморфик ва алломорфик муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда чоғиштирма, трансформацион, дистрибутив, лингвистик моделлаштириш, компонент таҳлил, семантик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида икки, уч ёки ундан ортиқ ўзакли қўшма отлар деривацион моделларининг лексикографик статистикасини аниқлаш орқали уларнинг нутқда қўлланилиши, таркиби, функциялари, компонентлари сони каби аспектлардаги изоморфик ва алломорфик жиҳатлари очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларни сўз туркумларига нисбатан структурал турларга ажратиш орқали N+N (от+от) деривацион моделининг сермахсуллиги исботланган;

чоғиштирилаётган тилларда қўшма отларнинг прагматик жиҳатдан нутқий актни локутив, иллокутив ва перлокутив аспектларда мазмун ва референцияни ифодаловчи восита сифатида намоён бўлиши далилланган;

қўшма отларда адресант ва адресатнинг шахсий, ижтимоий ва психологик хусусиятлари, замон ва макон омилларини ўзида акс эттирган ҳолда мулоқот вазиятидаги (контекст) инференция (натижа)ни ифодалаши каби лингвопрагматик жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўшма отларнинг функционал-прагматик тадқиқи инглиз ва ўзбек тиллари мисолида очиб берилиши тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, уларнинг матнда қўлланилиш хусусиятлари икки тил кесимида аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги икки, уч ёки ундан ортиқ ўзакли қўшма от турларидаги изоморфик ва алломорфик жиҳатларини аниқлашга имкон берган;

инглиз ва ўзбек тилларида грамматика ва лексика ўртасидаги боғлиқлик асосида қўшма отларни турларга ажратиш таҳлиллар орқали далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, олинган тадқиқот натижаларнинг аниқлиги ва ишончлилиги, ишда қўлланган ёндашув ва тадқиқот усуллари, таҳлил қилинган материал ҳажмининг етарлилиги, мазкур соҳадаги дастлабки изланишларнинг назарий хулосалари ҳамда эришилган янги натижалар диссертациянинг назарий жиҳатига мувофиқлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот натижалари икки, уч ва ундан ортиқ компонентли қўшма отлар муқобилларини тўғри танлашга доир ишлаб чиқилган тавсиялардан илмий фойдаланишга, ундан янги турдаги инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма от луғатларини тузишда, мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукамаллаштириш, лексикологик маълумотларни компьютерлаштиришда кенг қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма отлар қиёсий-типологик тадқиқ этилган бўлиб, бу иш олий таълим муассасаларида, академик лицей ва касб хунар мактабларида «Инглиз тили назарий ва амалий грамматикаси», «Лексикология», «Умумий тилшунослик», «Тилшуносликка кириш» ҳамда «Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси» фанларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларни сўз туркумларига нисбатан структурал турларга ажратиш ва бунинг натижасида қўшма отларнинг моделлари инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланиши юзасидан берилган илмий ва назарий фикрлардан А-1-126 рақамли «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 89-03-1849-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдан ўрин олган материаллар дунё тилшунослигида тил ва нутқ бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини очиқ беришдаги ўзига хосликларни аниқлашда асос бўлган;

инглиз ва ўзбек тилларида икки, уч ёки ундан ортиқ ўзакли қўшма отларни турли луғат ва бадиий адабиётда қўлланилиши статистикаси, ҳамда изоморфик ва алломорфик жиҳатларидан олинган илмий-назарий хулосалар 2016-2019 йилларда Европа иттифоқининг «Эрасмус+» дастури доирасида бажарилган «Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф муҳит магистратура дастурини ишлаб чиқиш» (Development of Master Programme in Renewable Energy Sources and Sustainable Environment 574055-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-SBHE-JP) мавзусидаги Халқаро лойиҳа ишида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 89-03-1849-сон маълумотномаси). Натижада тақдим этилган материаллар инглиз ва ўзбек халқлари маданияти, тили ва анъаналарига оид умумий ва хусусий нутқий вазиятларни аниқлаштиришга, таржима жараёнидаги лексик-семантик, композицион, услубий ва лингвомаданий хусусиятларга оид муаммоларни ечишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг структур, семантик, лингвомаданий ва лингвопрагматик хусусиятлари, мазкур тиллардаги қўшма отлар таркибида мавжуд муносабатлар ва уларнинг турлари, инглиз ва ўзбек

тилларидаги кўшма отларнинг лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ қилишга оид илмий хулосалари билан боғлиқ натижалари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-2019 рақамли «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бакалаврлар (инглиз тили) учун яратилган «Grammar» ва «Speaking» ўқув қўлланмалар мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 89-03-1849-сон маълумотномаси). Олинган натижалар талабаларга дарс ўтиш мақсадида яратилган ўқув қўлланмалари материалларини бойитишда манба бўлиб хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида кўшма отларнинг нутқий ақни ва адресантнинг интенциясини ифодалашни, дейксис вазифасини бажаришни, трансакциянинг бир қисми бўлиши каби лингвопрагматик жиҳатларидан олинган натижалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларни ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг «Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси» модулида фан дастури ва ўқув-услубий мажмуа тузишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 89-03-3950-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси фанларининг амалий лингвистика доирасида ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишдаги имкониятлари каби масалалар ечимини топишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқот тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 165 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Замонавий тилшуносликда қўшма сўзлар тадқиқи**» деб номланган биринчи бобида сўз ва қўшма сўзлар таърифи, қўшма отларнинг умумий хусусиятлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, тилшуносликда қўшма сўзлар тадқиқи инглиз ва ўзбек тиллари мисолида ёритилиб, бу борадаги олимларнинг назарий қарашларига шарҳлар келтирилган, муносабат билдирилган.

Маълумки, тил унсурлари функционал жиҳатдан бетакрор бўлиб, иерархия қонунларига кўра доимий ривожланиш, бойиш ва янгиланиш босқичларини босиб ўтади. Тилдаги мавжуд коммуникатив захира фонема, морфема, морфофонема, лексема, фразема, синтаксема ва текстемалар нисбатан мустақил бирликлар саналса-да, муайян нутқ акти учун етакчилик мавқеи сўзга тушади. Тилшунос олимларнинг таъкидлашича, сўз – тилнинг мустақилликка эга бўлган, айрим маъно, эмоцияларни билдирадиган фонетик ва грамматик жиҳатдан шаклланган тугалликка эга бўлган бирлигидир⁶. Сўз яшаш турлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган тадқиқотлар таҳлил қилинганда сўз яшашнинг иккитадан еттитагача тури очиб берилганлиги аниқланган. Жумладан, сўз яшашнинг 1) аффиксация 2) композиция 3) конверсия 4) товуш ўзгариш 5) редупликация 6) аббревиация усулларига изоҳ берилиб, аффиксация ва композицион усуллар асосий усуллар ҳисобланиши таъкидланган⁷.

Замонавий тилшуносликда қўшма сўз тушунчаси ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларнинг ортиб бораётганлиги бу муаммога бўлган қизиқишнинг ўсганлиги ва ижтимоий эҳтиёжнинг ортанлигидан далолат беради. Қўшма сўзларнинг вужудга келиши нутқий синтагмалар билан бевосита боғлиқлиги, қўшма сўз номинациясининг туб сўз номинациясидан фарқли жиҳатлари, қўшма сўз яшалиши сўзларнинг полисемия ва омонимиясини бартараф этишга имкон бериши лингвистик мактаблар вакиллари шунингдек ўзбек тилшуносларининг ишларида тадқиқ қилинган.

Қўшма сўз тушунчаси тилшунослар томонидан турлича талқин этилади. Жумладан, бир қатор тилшуносларнинг фикрича, «қўшма сўзлар

⁶Ғ.А.Абдурахмонов, Ш.Ш.Шоабдурахмонов, А.П.Хожиев. Ўзбек тили грамматикаси. 1том. Морфология. – Т.: Фан, 1975. – Б. 17.

⁷Хожиев А.Ўзбек тили сўз яшалиши. – Т.:Ўқитувчи 1989. – Б.29.; Э.А.Халифман., Т.С.Макеева. О.В.Раевская. Словообразование в современном французском языке. М.: Высшая школа, 1983. – С. 14.; Шведова Н.Ю и др. Русская грамматика. Т I, М.: Наука, 1982. - С .122-451.

икки ёки гоҳида уч ўзакдан ташкил топган ва гапда яхлит бирлик сифатида қўлланувчи махсус лексик бирлик»⁸; «икки ёки ундан ортиқ асоснинг бирлигидир»⁹; «икки ёки ундан ортиқ сўзлар бир морфологик яхлит бирликка бирикса, биз қўшма сўзлар ҳақида гапира оламиз»¹⁰; «икки ёки ундан ортиқ маъноли ўзаклардан ташкил топади ва улар тилда эркин формалар каби мустақил қўлланади»¹¹.

Ўзбек тилшунослигида қўшма сўзлар қуйидагича таърифланади: «бирдан ортиқ ўзак мавжуд бўлган, компонентлари орасида синтактик алоқа бўлмаган, бир бош урғу билан айтиладиган, яхлит бир сўз каби юритиладиган лексик - грамматик бирлик»¹²; «грамматик тобеълик муносабатлари асосида бириккан ёки бу муносабат аниқ англашилмайдиган икки ва ундан ортиқ сўз ёки сўз формаларидан ташкил топиб, бир урғуга бирлашадиган ва бир тушунчани ифодалайдиган сўз»¹³; «ўзаро боғланган икки ёки ундан ортиқ сўз эмас балки, бирдан ортиқ негиздан ташкил топган бир сўз»¹⁴.

Тилшунослар томонидан юқорида келтирилган фикрларга таяниб, қўшма сўзларга шундай таъриф бериш мумкин: Қўшма сўзлар бирдан ортиқ ўзакдан ташкил топган яхлит тил бирлиги бўлиб, ундаги ўзининг мустақил сўзлик мақомини йўқотган ўзаклар ҳар бири ажратиб олинганда мустақил бир сўзга тенг кела олади. Маъно жиҳатидан қўшма отлар сўз бирикмасига нисбатан кўпроқ бирон-бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Қўшма отларнинг дистрибуцияси уларнинг яна бир муҳим хусусиятини белгилаши мумкин, яъни сўз бирикмасида сўз қўшиш мумкин, қўшма отларда эса, бундай ҳолат кузатилмайди. Х. Марчанднинг кўрсатишича, бу омил қисман тўғри бўлишига қарамасдан, уни фразеологизмларга нисбатан қўллаб бўлмайди¹⁵.

Қўшма отларни таснифлаш меъзони қуйидагиларда акс этади: Қўшма от элементларининг қўшимчали ёки қўшимчасиз ҳолатига кўра; сўз қўшиш ва элементларнинг боғланишига кўра; компонентлар миқдорига кўра; сўз туркумлари бўйича; идиоматиклик/ноидиоматикликка кўра; семантик белгилари асосида; грамматик қўшимчаларни қайси компонентга қўшилишига кўра; компонентлар орасидаги муносабатга кўра; компонентларнинг семантик ва морфологик-синтактик алоқасига кўра. Инглиз тилида қўшма сўзларнинг эркин шакллардан ташкил топиши уларни сўз бирикмасидан фарқлашни мураккаблаштиради.

Олиб борилган таҳлиллар ҳозирги замон тилшунослигида аффиксация ва композиция (сўз қўшиш) сўз яшашнинг энг маҳсулдор, унумли усуллари ҳисобланиши, бу усуллар орқали ясама ва қўшма сўзлар ҳосил қилиниши,

⁸И.В.Арнольд Лексикология современного английского языка: учеб. пособие. Изд-е 2-е, перераб. М.: Флинта; Наука, 2012. – С. 159-177.

⁹R.Quirk et al. A Grammar of Contemporary English. London., 1973. – С. 1019.

¹⁰H.Marchand. The Categories and Types... – Munchen. – 1969, С. 11.

¹¹Е.Н.Бортничук и др. Словообразование в современном английском языке. – Киев: Вища. школа, 1988. – С. 127.

¹²Н.Маматов. Собственносложные слова в узбекском языке. Дис. док. фил. наук. 10.02.02. 1988.

¹³М.Мирзаев ва б. Ўзбек тили. – Т.:Ўқитувчи, 1978. – Б. 78.

¹⁴А.Ҳожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрор сўзлар. – Т.: Фан, 1963. – Б. 7..

¹⁵Marchand H. The Categories and Types of Present Day English Word-Formation. – Wiesbaden, 1960. – P.14-15.

қолган сўз яшаш усуллари булар каби маҳсулдор эмаслигини кўрсатди. Олим ва мутахассислар томонидан қўшма отларни ўрганишда қуйидаги муаммоли ҳолатлар мавжудлиги аниқланади: қўшма сўз билан сўз бирикмаси ўртасида фарқланиш масаласи; қўшма от таркибидаги элементларнинг ўзаро синтактик ва семантик алоқалари табиати масаласи; қўшма отларнинг идиоматик ёки ноидиоматиклигини фарқловчи омилларни ишлаб чиқиш масаласи; қўшма отларни ташкил этган компонентлари табиатига қараб гуруҳлаш масаласи; қўшма отларни таркибидаги ўзаклар сонига қараб гуруҳлаш масаласи; қўшма отларнинг ўзак сўзнинг қўшма сўз таркибидаги бошқа сўз туркумига мансуб сўз билан синтактик ёки бошқа турдаги алоқадорлик табиати масаласи; қўшма отларнинг контекстуал семантик функциялари масаласи.

Тилшунос олимлар тадқиқотларини ўрганиш асосида: а) қўшма отларнинг нутқнинг коммуникатив мақсадига кўра турли кўринишлари ёки стилларида ишлатилиши; б) қўшма отларнинг турли тизимга мансуб икки тил: инглиз ва ўзбек тиллари мисолида таҳлил қилиш масаласи; в) қўшма отларнинг антропоцентрик парадигма доирасига кирувчи «тилда инсон омили» назарияси нуқтаи назаридан таҳлили масаласи; г) қўшма отларнинг функциялари нуқтаи назаридан таҳлили; д) қўшма отларнинг лингвокультурология, социолингвистика ва психолингвистика оқимлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш масаласи ҳалигача ўрганилмаган ва таҳлилга тортилмаганлиги илмий асосланди.

Юқоридаги муаммоларнинг келиб чиқиш негизи динамикасини аниқлаш мақсадида бўлажак педагоглар хорижий тил ва адабиёти йўналиши бўйича бакалаврият, магистратура ва педагогларнинг малакасини ошириш курсларида ўқув фан дастурлари ва таълим мазмунида баҳолаш хусусиятлари ўрганилди.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг структурал-семантик таҳлили ва таснифи**» деб номланган иккинчи бобидан инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг компонент таҳлили, қўшма сўзларнинг компонентлари орасидаги муносабат уларнинг қўлланилиши моделлари, қўшма сўзларнинг лексикографик таҳлили, функционал-семантик тавсифи ва уларни характерловчи контекстуал жиҳатлар таҳлилга тортилган.

Аслий ёки хақиқий қўшма отлар қўшма сўзларнинг барча асосий белги хусусиятларига эга бўлиб, улар ҳамма компонентлари билан бирликда - бутунча бошқа сўзлар билан боғлана олади. Ушбу мулоҳазани амалий асослаш мақсадида қўшма отларнинг таркибий моделларини «Macmillan English Dictionary for advanced learners of American English» луғати асосида статистик таҳлил қилинди. Унда 3880 та қўшма отлар ажратиб олиб таҳлил қилинди ва статистик маълумот олинди. Бу мисоллар корпуси статистик метод ёрдамида ишлаб чиқилганда қўшма отларнинг инглиз тилида 34 та тури мавжудлиги маълум бўлди. Улардан энг кўп учрагани N+N модели бўлиб, у умумий ҳолатнинг 3055 тасида (78%) да қайд этилди. Кейинги ўринларда эса N+V модели 105 марта (2.70%), A+N модели – 100 ҳолатда

(2,57%), V+prep. модели – 85 ҳолатда (2,19%), кузатилган бўлиб, бошқа моделларнинг ишлатилиш даражаси анчайин озлиги аниқланди.

Ўзбек тилидаги қўшма отларнинг таркиби жиҳатидан моделларини ишлаб чиқиш учун «Ўзбек тилидаги ҳозирги қўшма сўзлар луғати» китобидан 13751 та қўшма отлар ажратиб олиб таҳлил қилинди ва статистик маълумот олинди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, ўзбек тилидаги қўшма отлар статистик метод ёрдамида ишлаб чиқилиб, таркибий жиҳатдан таҳлил қилинганда қўшма отларнинг ўзбек тилида **23** та тури мавжудлиги маълум бўлди. Улардан энг кўп учрагани от+от модели бўлиб, у умумий ҳолатнинг 12096 тасида (87%) да қайд этилди. Кейинги ўринларда эса Сифат+от модели 380 марта (2.76%), От+от+от модели – 319 ҳолатда (2,31%), От+сифат модели – 253 ҳолатда (1.83%), От+от (кўплик) модели – 250 ҳолатда (1,8 %), От+феъл модели – 90 ҳолатда (0.65%) кузатилган бўлиб, бошқа моделларнинг ишлатилиш даражаси анчайин озлиги кўринди. Мураккаблашган қўшма отларнинг лексикографик таҳлили қуйидагиларни аниқлашга имкон берди (1-жадвалга қаранг):

1 – жадвал

Қўшма отларнинг лексикографик таҳлили

№	Инглиз тилида	Миқдори	Ҳоиз	Мисоллар	№	Ўзбек тилида	Миқдори	Ҳоиз	Мисоллар
1.	N+N	3055	78%	Bookcase	1.	От+от	12096	87%	Игнабарг
2.	N+N+N	10	0.25%	Brinkmanship	2.	От+от+от	319	2.31%	Денгизтошбақа, Арчаболтатумшу зоол
3.	N+A	5	0.12%	Bobwhite	3.	От+от+от+от	25	0.18%	Кумушсульфат фо тоэлемент
4.	N+and+N	20	0.51%	Block and tackle	4.	От+от (кўплик)	250	1.8%	Еркаламушлар
5.	Num _c +and+N or Num _c +and+Num _c	12	0.30%	Five-and-dime or five-and-ten	5.	От+сифат	253	1.83%	Капаянги (геогр)
6.	N+V	105	2.70%	Bedsit	6.	От+сифат (кўплик)	85	0.61%	Игнабарглилар
7.	N+V+er	50	1.28%	Zoo-keeper	7.	От+феъл	90	0.65%	Идишқайтти
8.	N+Ving	55	1.41%	Bell-ringing	8.	От+феъл (кўплик)	15	0.10%	Ичакнафасолув чилар
9.	A+N	100	2.57%	Blackberry Blackmail	9.	Сифат+от	380	2.76%	Каттабоғ (геогр.)
10.	V+N	36	0.92%	Breakwater Buyback	10.	Сифат+от+от	25	0.18%	Кўктошпахтакор (геогр.)
11.	N+Prep	42	1.08%	Break-in	11.	Сифат+от+от+от	6	0.04%	Калтошсирчум чук

								%	
12.	Prep+N	28	0.72%	About-face In-law	12.	Сифат+ от+фёъл	5	0.03 %	Кичикдўстберди
13.	V+prep.	85	2.19%	roll-on Bake-off	13.	Сифат+ сифат	15	0.10 %	Кичикянги қшл.
14.	V+and+ V	5	0.12%	Cut and paste	14.	Сифат+ фёъл	14	0.10 %	Кўккийди (маросим)
15.	V+D+ and+V	3	0.07%	Get-up-and- go	15.	Сифат+ сон	12	0.08 %	Каттаминг (геогр.)
16.	N+Art+ N	7	0.18%	Follow-the- leader	16.	Сифат+ сон+от	5	0.03 %	Кичикбешкапа қшл.
17.	N+Prep+ (Art)+N	3	0.07%	Johnny-on- the-spot	17.	Сифат+ сифат+от	18	0.13 %	Каттақорақўл (геогр)
18.	N+infix +N	7	0.18%	Handiwork Jack-o- lantern	18.	Равиш+ сон+от	10	0.7 2%	Кўпмингкиши- лик
19.	N+Prep+ Pron+N	2	0.05%	Jack-of-all- trades	19.	Равиш+ от+от	8	0.05 %	Кўпеузгичқанот- лилар (зоол.)
20.	N+Partic le+V	1	0.02%	Bride-to-be	20.	Сон+от	25	0.18 %	Еттибўғим
21.	N+prep+ N	12	0.20%	Brother-in- law	21.	Сон+от+ от	8	0.05 %	Еттиқудуксой
22.	V+Pron. +Particle	1	0.02%	Forget-me- not	22.	Сон+ сифат	12	0.08 %	еттибўғимли (қамиш)
23.	D+N	50	1.28%	Byline	23.	Фёъл+от	75	0.54 %	Ёрилтош (эртак)
24.	N+D	30	0.77%	Backup			13751	100%	
25.	V+D	55	1.41%	Build-up					
26.	D+V	60	1.5%	Bypass					
27.	A+D	2	0.05%	Brownout					
28.	V+V	15	0.38%	Breakbeat					
29.	N+V+D	1	0.02%	Johnny- come-lately					
30.	G+N	6	0.15%	mocking-bird Clearinghouse					
31.	A+A+N	5	0.12%	Great- grandchild					
32.	A+V+er	2	0.05%	Greenkeeper					
33.	V+A	7	0.18%	Blowhard					
34.	Pron.+N	3	0.07%	Everyman					
		3880	100%						

Кўшма отларнинг лексикографик таҳлили натижасида қиёсланаётган тилларда энг маҳсулдор моделлар от+от эканлигини аниқланиб, луғатларда қўлланиш ҳолатига кўра инглиз тилида 78%, ўзбек тилида 87% ни ташкил

этади. Инглиз тилида ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда тўрт, беш ва ундан ортиқ компонентли мураккаб тузилишга эга қўшма отлар учрайди. Лекин бундай қўшма отлар маҳсулдор эмас, яъни кўп ҳолатларда нутқ вазиятига кўра қўлланилади. Қўшма отларнинг структур жиҳатдан таҳлил қилиниши натижасида миқдор жиҳатдан мураккаб таркибли қўшма отлар инглиз тилида ўзбек тилидагига нисбатан сезиларли даражада кўплиги аниқланди.

Шунингдек, ўзбек тилида урф-одатлар, маросимлар, яъни ўзбек маданиятини, лингвокультурологик хусусиятларини ифода этувчи қўшма отлар от+феъл, сифат+феъл моделлари орқали кўпроқ қўлланилиши кузатилди.

Сўз қўшишнинг семантик жиҳатларини ўрганиш ва таърифлаш деганда, биз аввало, қўшма сўзларни ўрганиш ва таърифлашни назарда тутамиз. Қўшма сўзларнинг ясалиши ва таркиби улардан англашилаётган маъно муаммолари билан, яъни қўшма сўзларнинг маънолари қисмлари маъносига тенг келиш-келмаслиги билан бевосита боғлиқ бўлади.

Композиталар маъноси асосан қўшма отларнинг «семантик схема»сини аниқлаб берадиган компонент ўртасидаги муносабатга асосланади (1 - *расмга қаранг*):



1 - расм. Қўшма отларнинг семантик таҳлилининг тамойиллари

Бу элементларнинг ҳаммаси қўшма отларнинг семантикасида асосий муаммоларни ҳосил қилади. Бу ҳамма элементлар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб, уларни алоҳида ҳолда тасвирлаш алоҳида шартлиликка эга бўлади.

Тадқиқотлар давомида таҳлиллар натижасида қўшма отларнинг сўз бирикмасидан фарқланиши қуйидаги ҳолларда кузатилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

Қўшма отларнинг сўз бирикмасидан фарқи

Қўшма сўз	Сўз бирикмаси
• тил бирлиги - ўзи тайёр ҳолда ўзгармайди	• нутқ бирлиги - нутқ жараёнида ўзгариши мумкин
• семантик яхлитлик - лексик маъно бор	• ҳар бир сўз ўз семантик маъносига эга
• гапда битта синтактик функция бажаради	• қисмлари гапда алоҳида-алоҳида вазифа бажаради
• идиоматик бўлиши мумкин	• фразеологик бирлик бўлиши мумкин
• бирдан ортиқ негиздан ташкил топади	• бирдан ортиқ мустақил сўзнинг ўзаро грамматик алоқасидан ташкил топади

Қўшма сўзларни таърифлашда уларнинг тилдаги фарқларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг типологик таснифи ўрганилганда инглиз тилидаги қўшма отларнинг типологик таснифига: Содда ўзақларнинг тузилишидан таркиб топган қўшма отлар *film-star, sweatshirt, footsteps, handbag*; – Қўшма отларнинг иккинчиси элементи эгалик қўшимчаси билан келади *chain-smoker, caretaker, shape-shifter, secret-keeper*; – Компонентларидан бири қисқартма сўздан иборат бўлган қўшма отлар: *math-mistress*; – Компонентларидан бири қўшма сўздан иборат бўлган қўшма отлар: *waste-paper-basket, cost-benefit analysis, dead-end job*.

Ўзбек тилида қўшма отларнинг типологик таснифи ўрганилганда таркиб жиҳатдан қўшма отларнинг етти асосий типи борлиги аниқланди: – Икки ёки ундан ортиқ отнинг ўзаро қўшилишидан тузилади. *Айиқтовон, анжиршафтоли, бўтакўз, бақатерак, мизатерак*. – Қўшма отларнинг иккинчиси элементи эгалик қўшимчаси билан келади. *Булоқбоши, шибоши, Ёрбоши, тутпишиги, сўзбоши*. – Изофали бирикмадан тузилганлари: *Богшамол, гулраъно, гултожухўроз, Сарюсиё, handicraft, handiwork*. – Изоҳловчи ва изоҳланмиш алоқасидан тузилган: Амударё, Сирдарё, Қумқишлоқ. – От ва феъл негизларига – ш / ундошлардан сўнг – иш / қўшиш билан ясалган ҳаракат номларидан тузилади; *дунёқараиш, иштаишлаш*. – Феъл формалари билан отнинг қўшилишидан тузилади: *Ёрилтош, Очилдастирхон, Уртўқмоқ*. – Ҳар икки элементи ҳам феъл формаларидан бўлади: *Топиволди, сотиволди, босволди, искаптопар*.

Мазкур бобда қўшма сўзларни яратиш жараёнида содир бўладиган структуравий-семантик кўчишларнинг коммуникатив қиймати, қўшма сўзлар

мотивациялашганлиги ва ички предикативликнинг мавжудлиги каби масалалар ҳам кенг ўрин олган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида қўшма отларнинг прагмалингвистик жиҳатлари, шунингдек, қўшма отларнинг қўлланишида изоморфизм ва алломорфизм ҳолатлар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тизимли равишда тадқиқ қилинган.

Биламизки, нутқ жараёнида нафақат тил бирликлари, яъни сўз, сўз бирикмалари, қўшма сўз, турғун иборалар ва бошқа бирикмалар фаол мулоқотни вужудга келтиради, балки улар билан бирга мулоқот иштирокчилари – шахс омили, замон ва макон омили, нутқ ҳосил қилувчининг ҳаракатлари ва мимикаси каби экстралингвистик омиллар ҳам бевосита нутқ жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Демак, тилнинг фақат семантик, грамматик ва синтактик ўзига хосликларини тадқиқ қилишнинг ўзи етарли эмас, деган хулосага келиш мумкин. Бунинг натижасида эса «прагматика» соҳаси ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган ҳолда лингвистикада ўз ўрнини топди.

Тилшуносликда қўшма отларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари ва шу асосда вужудга келадиган иерархик муносабат талқини, мазкур қўшма отларнинг номинатив мақомини ўрганиш масалалари, шунингдек, қўшма сўзларнинг иерархик муносабати тавсифи таҳлил қилинди.

Прагматика кенг қамровга эга бўлиб; ушбу соҳа мулоқот экспликатураси ва имплекатураси, пропозиция, интенция, пресуппозиция, инференция, нутқий акт, дискурс каби тушунчалар таҳлилини ўз ичига олади. Ҳозирги пайтда кенг ривож топа бошлаган функционал грамматика ва лингвистик прагматиканинг ўзаро кесишув нуқтасида содир бўладиган лисоний ҳодисаларни ўрганади.

Лисоний бирликларнинг шакл ва мазмуний тавсифи тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўғри тушунишга имкон беради. Бу эса лисоний бирликларнинг прагматик томонига қизиқишни кучайтиради. Ана шундай амалий эҳтиёж натижасида семантика ва прагматика вужудга келди. Айниқса, тил бирликларини ўрганишда синтактика, семантика ва прагматика муҳим ўрин эгаллайди.

Бу эса лисоний бирликларнинг прагматик томонига қизиқишни кучайтиради. Ахборотни тўғри тушуниш учун сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги билимидан ташқари, тингловчининг олам, жумла қўлланаётган ижтимоий ҳолат, сўзлаш жараёнида сўзлашувчилар руҳияти ҳақидаги билими ва бошқа билимларини ҳам қўшиш керак бўлади.

Ш.Сафаров прагматика соҳасини қуйидагича таърифлайди: *«прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади. ... Лингвистик таҳлилнинг асосий зояси ҳам*

лисоннинг табиатини унинг амалий фаолиятда қўлланишига нисбатан ёки бошқача айтганда, бажараётган вазифаси доирасида аниқлашдир. Айнан вазифа (функция) тушунчаси лисон таҳлилига прагмалингвистик ёндашувнинг пойдеворидир...»¹⁶.

Нутқ жараёнидаги икки томонлама алоқанинг тўғри қўйилганлиги ўша нутқда қўлланилаётган қўшма отнинг умумий маъноси ва контекстдаги ҳақиқий интенциясини ҳар икки томон ҳам тўғри тушунишига сабаб бўлади. Бу жараёнда адресант ҳам, адресат ҳам, энг аввало, қўшма отнинг умумий мазмунини билишлари лозим. Лекин унинг нутқ жараёнидаги асл тағмаъносини фақат контекстни билган ҳолда тушуниш мумкин. Масалан:

Оқсоқол сўзини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да олтига маъносини учратишимиз мумкин. 1. Соч-соқоли оқарган кекса одам, мўйсафид 2. Илгариги даврда бир ёки бир нечта маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ бўлган маҳаллий амалдор 3. Ҳозирги кунда: қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳарлар маҳалла қўмиталари раиси 4. кўчма: Гуруҳ ёки синф бошлиғи 5. кўчма: Бирор соҳада кўп ишлаган, меҳнати синган кекса киши, раҳбар 6. Кексаларга ёки ёши улуғ кишиларга нисбатан ўз тенгқурлари томонидан ишлатиладиган мурожаат шакли¹⁷.

Буни қуйидаги мулоқот матни мисолида кўриш мумкин:

– Бўлди, дўстим, бўлди! – Оқсоқол рўпарасига туриб олиб ёқасига ётишмоқчи бўлаётган пакана кишининг елкасига шапатилади.

– Ҳазилниям билмайсанми, нима бало, Дума! Маълим Нўғайқўргонда мактаб очмоқчи. Катта мактаб. Ишонганимдан сенкига опкелдим-да, ўртоқ!¹⁸

— Бугун кеч бўлди, — деди маҳалла оқсоқоли, — эрта пешинга чиқарамиз. Ҳар қалай, жон таслим қилганига анча кун бўлибди. Энди ушлаб турмай эртароқ жойига қўйганимиз маъқул.

— Ҳўп, — деди боши қўйи эгилган Бобур, — маҳалла нима деса шу¹⁹.

Олд қаторда ўтирган синф оқсоқолимиз муаллимга бир нима деди. «Ёшлик»²⁰.

Юқоридаги мисолларнинг прагматик таҳлилига тўхталадиган бўлсак, берилган учта матнда қўлланилган *Оқсоқол* қўшма оти бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу сўзнинг қайси маънода қўлланаётганини фақатгина контекстдан ажратиб олишимиз мумкин. Биринчи контекстдаги *оқсоқол* луғатлардаги таърифга мос келади. Иккинчи ва учинчи матнларда қўлланган *оқсоқол* қўшма оти иккинчи матнда маҳалланинг раиси, раҳбари, бошқарувчиси прагматик маъноларини ифодаламоқда. Учинчи матнда эса *оқсоқол* қўшма оти орқали синф етакчиси прагматик маъносини ифодалаяпти. Ушбу фикрлардан шуни англаш мумкинки, ҳар қандай

¹⁶ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 78.

¹⁷ Бегматов Э., Мадвалиев А. Ўзбек тилининг имло луғати. – Т.: Академнашр, 2013. – Б. 183.

¹⁸ Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 61.

¹⁹ Исмоилов Н. Омонат ғор сирини. – Т.: Вектор-Пресс, 2009. – Б. 121.

²⁰ Бегматов Э., Мадвалиев А. Кўрсатилган асар.

қўшма отларнинг прагматик маъносини ифодалашда албатта матнга муурожаат этиш талаб этилади. Бир сўзнинг қўшма маъноларини топишда унинг лингвостилистик, лингвопрагматик жиҳатлари матн ёрдамида аниқланишини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Демак, қўшма отларнинг нутқдаги вазифаси қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттиради: 1) қўшма отларнинг таг маъноси муайян бир контекстда аниқ юзага чиқади; 2) қўшма отлар турли нутқ ҳолатларида турли прагматик вазифаларни бажаради, яъни турлича нутқий актлар, инференциялар (пресуппозициялар ва имплицатуралар), интенцияларни ифодалайди; 3) муайян бир қўшма от бир контекстнинг ўзида (одатда бадий контекстларда) бир мартаба қўлланилиш ҳолатида ҳам бир нечта функцияларни (социологик, дидактик, лингвокультурологик, прагматик) ва бир нечта инференцияларни (полиинференционаллик) амалга ошириши мумкин. Демак, қўшма отлар тил таркибида қотиб қолган лингвистик бирлик бўлибгина қолмай, уларнинг ўзига хос хусусиятлари фақатгина маълум ҳолатга асосланган контекстда нутқ прагматик хусусиятлари талайгина. Қўшма отларнинг қандай ҳолатларда кимлар томонидан нима мақсадда қўлланилиши уларнинг контекстдаги «прагматик субъектларининг мулоқот жараёнида кўриниши сабабли уларнинг нутқдаги салоҳият»ини белгилаб беради.

Инсоннинг мулоқотга киришиш жараёни анчагина мураккабдир, чунки бунда нафақат нутқ иштирокчисининг сўз бойлиги, балки унинг дунёқараши, эгаллаган билим ва кўникмалари, ижтимоий ҳолати, мулоқот олиб борилаётган замон, макон ва вазият каби омилларнинг ҳам ўрни аҳамиятга эга.

